

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМЛ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 11 ноябрь чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 223 (2004)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

АДОЛАТ, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУФ

Иқтисодиётда юксак самардорликка эришиш, жамиятда қонун устуворлиги, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароити яратиш мамакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсадидир.

Президент Ислам Каримовнинг 9 ноябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида барча сабъ-ҳаракатларимизнинг мазмун-моҳияти бўлган ана шу масалаларга яна бир бор жиддий эътибор қаратилди.

Яқиндагина халқимиз шу муборак заминда улуг бобомиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлади, деди Президент. У зоти шарифга бағишланган ёлғорлик мажмуи очилди. Эртасига юртимизнинг қадимий ва сўлим Фарғона вилоятида халқимизнинг яна бир буюк ўлими, урта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусчи олим Аҳмад ал-Фарғоний хотирасини ёд этиб, тантаналар ўтказдик. Бу тадбирларнинг ўтказишдан мақсад — муқаддас Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини тиклаш, дунё илм-маърифат, маънавият аҳли диққатини эл-юртимизга қаратишдан, бу улуг заминда камол топган аждодларимизни улуғлашдан иборатдир.

Самарқанд нафақат ўзининг буюк тарихи ва боқий ёлғорликлари билан дунёга танилган, балки бугунги салоҳияти ва маданияти, авваламбор, меҳнатқаш, меҳмондўст, ор-номусли халқи билан дунёга машҳурдир. Самарқандни дунё тараққиётининг бешиги деб бежиз айтишмайди.

ИНСОФ БОР ЕРДА — БАРАКА БЎЛАДИ

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган маърузаси, унда ай-тишган гапларда жиддий фикр-муҳокама, келтирилган далиллар халқимизнинг қалбига чуқур акс-садо берди, руҳини ларзага келтирди. Шу муносабат билан тахририятимизга хатлар, телеграммалар келмоқда, телефон кўнрақлари тўхта-мапти.

Адолат, ҳақиқатга ташналик билан сўзлаган, енгилон нидос билан ёниб турган бу акс-садоларнинг айримларини хурматли муштарийларимиз ҳужмига ҳавола этишни лозим топдик.

Искандар СУЛТОН, меҳнат фахрийси: — Юртимиз йўлбошчилигининг Самарқандга сўзлаган нутқини кўп қатори мен ҳам кўриб, тингладим. Тўғриси, ҳаловатимини йўқотдим, ҳажданан анчагада ўзимга келолмадим. Нотўқил руҳ қайғити тулалитига менга ўтган эди. «Нега бу даражага бориб етилди» — шу савол тинчлик бермай қўйди. Сенга юксак ишонч билдирилса, хурмат қилинса, ҳалот яшаш, яхши ишлаш учун барча инқилоблар яратиб берилса — кўрсатилган бу кекис қим-матга қайтарганларим нонқур-лик бўлса. Нима етишмас эди бу кишиларга ўзи?! Яшириб нима қилди, бошқаларга нисбатан яхши яшаш учун ҳамма нарса муҳайё — уй-жой дейилсин, машина дейилсин...

ган. Улар ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунамайди, эскича иш усулларидан воз кеча олмайди. Напикада улар бошқарган корхона инқирозга юз тутди. Уша корхонада ишловчиларнинг тақдирини нима бўлади?

Вилоятдаги 231 та корхонанинг молия-ҳўжалик фаолияти таҳлил қилинганда, уларнинг 92 фоизи инқирозга учрагани аниқланган. Шу корхоналарнинг раҳбарлари нисбатан эса чора кўрилмаганини қандай баҳолаш мумкин?


Президент маҳаллийчилик, ошна-огаингарчиликни ҳаётимизга, тараққиётимизга халф содланган таҳдидлардан бири деб атаган эди. Афсуски, Самарқанд вилояти мисолида ана шундай ҳолатларга дуч келиб турибмиз.

Вилоят ҳокимининг кўмагида унинг яқин қариндош-уруғларини бошқарув тизимидаги илораларда масъул лавозимларга тайинлаш авж олган.

Ички ишлар бошқармаси раҳбарларининг мурасасозлиги туфайли вилоят ҳокими А.Мардиевнинг укаси Олим Султонов Нарпай туман ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, опасининг ўғли Собир Тошнйёзов Каттакўрғон тумани ички ишлар бўлимининг Давлат авто-мобиль назорати бошлиғи, яқин қариндоши Фофур Тошнйёзов Иштихон туман прокурори лавозимларида ишлаб келганлар.

А.Мардиевнинг қудаси Фарид Зеймўхамедова вилоят меҳнат биржаси бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Анджон давлат университетининг 1200 нафар талабаси бу йил Ўзбекистон пахтакорларига кўмакка келишди. Сиз сўрабда кўриб тураён физика ва математика факультети талабаси Нагора Раҳмонова кўнаса 120-130 килограмдан пахта териб, қўлаб теримчи дўгонларига унор бўлди.

Х. АРАББОВ олган сурат.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Қоммунал хўжалиқ қўраш вазирлиги ҳайъатининг келтирилган маълумоти бўлиди. Уша Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли қоммунал хўжалиқ қўраш тизимини ислохот қилиш» қарорининг 1998 йил 3 ноябрдаги 461-сонли «Уй-жой ва қоммунал хўжалиқ қўраш электор энергияси учун аҳолининг хўб-кўпобориани таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 4 ноябрдаги 462-сонли қарорларини бажариш мақсадида тармоқ жамоларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Фўқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг маънавий ва иқтисодий ҳаётининг яхшиланган ҳолатини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, ислохотий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, соғлом аводни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларга мувофиқ ҳалқа келтириш мақсадида:

1. Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 июндаги Ф-856-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислох қилишнинг қуйидаги таркиб-даги Давлат дастури маъқуллансин.

1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш концепцияси; бепул тиббий ёрдам кўрсатиладиган ва бюджетдан молия-лаштирилган бўлган давлат-профилактика муассасалари бўлиши; бошқарма-бошқар қўлаб тиббий хизматларга ўтказилиши лозим бўлган давлат-профилактика муассасалари рўйхати;

2001-2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури; шифокор кадрлар ва урта тиббий ёрдамчиларни тайёрлашга бўлган қўшимча эътиборлар;

1999-2005 йилларда тиббиёт бўлими юртарини қасб-хўна қоллекторига айлантириш дастурилар;

2. Тошўйлақинвестиқор-лиш» корпорациясининг тиббиёт-санитария қисми, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси, республика ва Тошкент вилоят санитария авиацияси негизда Республика шўшилинч тиббий ёрдам марказини минтақавий филиаллари билан ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдирини маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдирини маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги шу йилнинг 20 декабри қалар қасаллик туғилари ва беморларни доволлаш, саломатлигини тиклашни ҳисобга олган ҳолда уларнинг шўшилинч тиббий ёрдам хизматларида бўлишини чекланган муддатларини ишлаб чиқиш, жорий этсин.

5. Нодавлат доволлаш-профилактика муассасалари, шу қўрамадан, аҳолига пулли тиббий хизмат кўрсатувчи хусусий доволлаш-профилактика муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган рўйхатга мувофиқ имтиёзга эга беморларга 20 фоизга қалар бепул тиббий хизмат кўрсатишлари ҳамда бу хизматлар бюджет ҳисобидан молияланиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва урта махусе тизим вазирлиги:

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, тиббиёт олий ўқув юртарининг доволлаш факультетлари ҳўзурида ўрта тиббий маълумот негизда ўқитиш муддати 3 йил бўлган олий макалали тиббиёт ҳамширалари (реаниматологлар, анестезистлар, жарроҳлик ҳамширалари, туғруқхона ақшаркалари ва бошқаларни) тайёрлаш бўлиmlарини оқсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 ноябрь.
И. КАРИМОВ

АДОЛАТ, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят давлат солиқ бошқармасининг солиқ раҳбарлари ҳоқимга лаганбардорлик қилиб, унинг яқин қариндошларидан Ю. Санаев, Ф. Тошнӯёв, А. Султоновларни Каттакўрғон тумани солиқ инспекциясининг масъул лавозимларига ишга қўйганлар.

Бундан ташқари, вилоят ҳоқимининг яқинлари И. Қодиров вилоят Марказий банки бошқарувчиси, Х. Бобомуродов эса Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани ҳоқими лавозимига тайинланган. Бунга ўхшаган яна кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Бу вилоятда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик иллати чуқур илдиэтганини кўрсатиб турибди.

Биз бу муаммонинг нақадар мураккаб ва хавфли эканини тушунишимиз, дарҳол унинг олдини олишимиз зарур, дея таъкидлаётган давлатимиз раҳбарлари.

Чунки бу йўлга кирган раҳбар худбинлик касалига дучор бўлиб, оёғи ердан узилди. Энг ёмони, раҳбарларга нисбатан кенг жамоатчиликнинг ишончи йўқолади. Бундай жаҳиятдан барики жаҳият, иш юришмайдими, аҳоли ўртасида турли тортишувлар ва норозиликлар пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, бундай муҳитда раҳбарга яқин бўлган, ишонган, сунган кадрлар бир-бирларини қўллаб-қувватлайди, содир бўлган қонуنبузарлик ва жаҳиятларни яширади. Жаҳиятда адолат йўқолади. Бундай ҳолда халқ арз-додини, фарёдини кимга айтиши керак?

Вилоят давлат аппаратынинг ўзгани лаяқатсиз, сийбей савияси паст, аҳолий жиҳатдан нопок, аммо, раҳбарнинг ишонган оғайинлари, эски қадрдошлари, бир ҳовуч лаганбардор кимсалар ташкил этса, одамлар эътирозини кимга айтиши мумкин?

Бундай ҳол хизмат вазиасини суиестемол қилиш, давлат ва жамоат мулкани талон-тарож этиш учун қўлай шароит яратди.

Жумладан, вилоят ҳоқимининг узоқ йиллик оғайиниси — вилоят давлат божхона бошқармасининг солиқ бошлиғи А. Примов лаганбардорлик ва тийёлғамалик билан Алишер Мардиевнинг пинжиға кириб, хизмат фаолияти даврида сурунақли равишда қонуنبузарликларга йўл қўйиб келган.

Ахвол шу даражаға бориб етганки, А. Примов Мардиев учун унинг ҳуқуқи муҳофаза қилувчи идоралар билан бўлган мулоқатларида воститачи ролни ўйнай бошлаган. Ҳозир у хизмат фаолиятидаги жиддий нуқсонлари учун лавозимидан озоэ қилинган ва унинг ҳаракатлари тегишли идоралар томонидан текширишдан ўтказилмоқда ва натижаларга қўра ҳуқуқий баҳо берилади.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг солиқ бошлиғи Т. Муродхӯжаев ҳам А.Мардиевга яқин кўриниш мақсадида унинг яқин қариндошларини ва ошна-оғайинларининг қонунсиз хатти-ҳаракатлари учун ҳуқуқини муҳофаза қилувчи идоралар олдига ўзига хоэ қалқон вазиасини ўтаб келган.

Асосий вазиаси вилоятда қонунчиликка қатъий риоя этилишини таъминлашдан иборат бўлган Т.Муродхӯжаевга, уни кўлга олиш мақсадида, коррупциялашган кимсалар давлатга қаршилик билан борчасини бериб қўйганлар ва унинг ўрнида дағиллама шахсий уй-жой қуриб берганлар. Оғзи мойланган

“ҳуқуқ посбони” эса уларнинг давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилишлари билан боғлиқ найранглариға пажна орасидан қараб келган.

Айни пайтда Т. Муродхӯжаев ҳам лавозимидан озоэ этилиб, жинойий жавобгарликка тортилмоқда.

Вилоят ҳоқимининг энг тор лавозимига солиқ раҳбар Раим Насимов ҳам кириди. У давлат маблаглари эвазига нафақат ўзи учун, балки вилоятдаги қатор-қатор раҳбар ходимлар учун ҳам қонунсиз равишда уй-жойлар, шахсий-маийий иморатлар қуриб берган.

Амир Те Муродийнинг ободонлаштириш ишларида нойдаланиб, уларнинг ҳисобидан вилоят раҳбарларига ҳусусий уйлр қуриб берилгани аниқлади. Охириги пайтларда Насимов билан Примовлар А. Мардиевнинг пинжиға кириб, оғизбурун ўпишиб кўп бемаъни ишларга қўл урган.

Вилоят раҳбарияти билан яқин бўлганидан фойдаланиб, Насимов ўз ташкилотини номидан катта миқдорда тамаки ва пахта маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб чиқиш билан боғлиқ турли найранглр уюштириб, тушган жуда катта миқдордаги пул ва валюта маблагларини ўзининг яқин одамлари билан биргаликда ўзлаштирган.

Бу каби салбий ҳолатларни кескин танқид қилар экан, охириги вақтда, вилоят миқёсидаги кадрлар сийбети, йирик иқтисодий-ижтимоий масалалар давлат идораларида эмас, А. Мардиевнинг иштирокидаги тўй ва базмлар, бошқа норасмий учрашув-йиғиларда ҳал қилинадиган бўлиб қолган, деди Президент Таасуфки, кўпинча давлат маблаглари, ҳар хил ўғри-қаллобларнинг жинойий йўл билан топган маблаглари ҳисобига уюштирилган бу зиёфатларга А. Мардиевнинг гунаҳгарлигини асос қилган ва ҳақдорларнинг унинг ҳам ҳақдорлигини тўлдирганига асос қилиб қўйилган. Бунақа одамларда ва инсоф, ва ирода ва на имон бор.

Улар ўзларини ҳимоэ қилиш учун бошпана излашади, Тошкентда ўтирганларнинг пинжиға киришади. Шунанқа пайтда табиий савол турғилади. Унга ишонган, тақдирини унга боғлаган одамларнинг оруз-умидлари қаерда қолиб кетди? Улар кимга ишонсин, кимга эрғашсин? Ҳаёт фалсафасидан ва тажрибасидан айтиш мумкинки, ким мўмай даромад, нопок йўл билан бойлик топса, у ҳамини халқ нафратига учрайди. Ҳалол меҳнати, пепона тери эвазига эмас, ўғрилик, таъмагирик ва порахўрлик билан топган маблаг қеч ҳочон тағимайди. Жаҳиятга, эл-юртга наф қелтирмайди.

Ахир, лавозим кишига кибру ҳаво, бойлик тўплаш ва кейфу сафо учун берилмайди-ку! Аксинча, у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бутун роҳат фароғатидан кечиниш, керак бўлиб қолганда ўзиндан кечиниш талаб қилади. Бундай қараш одадга айлангани, ҳаётимизга сингир кетгани керак.

Халқимизда “қилмиш-қилмиш” деган мақол бор. Яна “қингир ишнинг қийғи кирк йилдан сўнг ҳам чиқмади” дейишади. Шундай экан, қингир ишни эл-юрт назаридан яшириб бўлмайди. Бундай одам бутун бўлмаса, эртаға шармандади шармисор бўлиб, шунча йил ишлаб, меҳнат қилиб топган оруз-этиборини бир кунда йўқотиб қўйиши мумкин.

Энг оғири — нафақат эл-юрт, балки ўзининг қариндошлари, таниш-билишлари олдига иснодға қолади. У фарзандлари олдига бошини кўтара олмасдан юришдан ортиқроқ азоб-ўқубат бормикан?

Президент ҳаммамни уйлантирилган саволларни ўртаға қўйди: нима учун мана шундай аччиқ ҳақиқатни баъзан тан олмаймиз? Ҳаёт тажрибасини тарих мисолида кўрабила туриб шундан қайт-

маймиз. Нафс балоси шунчалик кучлими? Мен ўйлайманки, ҳар қандай соғлом инсон бу савонли ўзига бериб, ўзи жавоб топиши керак. Эл-юрт нафратидан, охиратдан қўриқиб, ҳаётда ўзининг ўрнини йўқотмаслик ҳар қандай кишининг бурчи эмасми!

А. Мардиев ҳақида гап бораб экан, дея давом этиди йўлбошчимиз, авваламбор, уни бутунли аччиқ кунга олиб келган сабаблар — иродаси бақувват бўлмагани, нафс, айшу-ишрат балосидан халос бўлишга кучи етмагани ва энг муҳими — унинг қариндош-уруғлари, таниш-оғайинларнинг таъсиридан чиқолмаслиғи, охири-охибатда инсофини йўқотгани, деб билан.

Ҳаёт тажрибаси шунини тасдиқлайдики, раҳбар айшу ишратға берилиб, ўзининг талабчанлик, ташкилотилик ва раҳбарлик бурчини унутиб қўйганида, қонунга қийш, тартиб-интизом масалалари қолипидан чиқиб кетиши табиийдир.

Бизнингча, вилоятда жинойтчилик, айниқса унинг уюшган, ўта хавфли турларига қарши курашининг аҳоли бугун қўйлаётган талабларига жавоб бермаётганига сабаб ҳам ана шунда.

Биринчи раҳбар тайинланган пайтда вилоятда қонун устуворлиғи таъминланган ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. А.Мардиевнинг мухассислиғи — ҳуқуқшунос. Прокуратура, суд, адлия соҳаларида катта лавозимларда кўп йил ишлаган. Кўпчилик бу одам маъмурий органларнинг бошини қонанштириб, нуқсонларни бартафур этиди, деб ишонган эди. Бугун эса, вилоят бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўта оғир жинойтлар сони 24,5 фоизга, зўрлаб номуста тегиш жинойтлари 20, фирибгарлик 75, беэрозлик 49, босқинчилик жинойтлари эса 52 фоизга ўсганиға гувоҳ бўлиб турибмиз.

Жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўта оғир жинойтлар сони 23,5 фоизга камайган. Шу тоифадаги жинойтларнинг 15-20 фоизи фаш этилмай қолаётгани такрорий жинойтлар содир этилишиға шароит яратмоқда.

Беэрозчи ҳуқуқни муҳофаза этиши идоралар ходимлари томонидан жинойт содир этиш ҳам Самарқанд вилоятида олдий ҳолға айланб қолган. Ҳаётда у йил мўбайнида 170 нафардан зиёд ички ишлар идоралари ходими, 3 нафар солиқ, 3 нафар божхона идоралари, бир судья ва бир прокуратура ходими жинойий жаовбарликка тортилган.

Уларнинг аксарияти мансабини суиестемол қилиш, фаразғўйлик ва таъмагирик билан боғлиқ жинойтларға қўл урган.

Шу йилнинг 25 август куни вилоят ички ишлар бошқармаси жинойтларнинг олдини олиш хизмати ҳодимлари — миллия майорлар Р.Хўжаев ва М.Баҳолировлар ўзаро тил бириктириб, фуқаро В. Халатовдан товламачилик йўли билан порра олаётганларига қўлга тушганлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу нима деган гап? Ҳуқуқ посбонларининг ўзи жинойчи бўлса, халқ дардини кимга айтинг? Ҳақиқатни, адолатни қаердан изласин?

Яқинда тўй-ҳашамларини, оилавий тағтасларини, маърака ва маросимларини тартибға солиш, уларни ўтказишда йўл қўйлаётган манманлик, шуҳратпарастлик, эл-юрт одаларига ва анъаналарини меъсмаслик каби иллатнинг олдини олиш мақсадида яғни Фармон қабул қилинди. Таасуфки, Самарқандда ҳам бундай салбий ҳолатлар қўп. Керак бўлса, ҳар қандамда учрайди. Лекин вилоят, шаҳар, туман раҳбарлари бу борада муросасозлик йўл қўйиб келаяти. Ўзи юқори лавозимларда ўтириб, шу камчиликларға йўл қўйганлар ҳам кам эмас.

Ҳақиқатни гапирсақ, бузғунчилик ўзи кўпинча шулардан бошланади.

Мазкур Фармон чиққанидан кейин оёғи ердан узилган, кибр-ҳавоға берилган айрим кимсалар хушёр тортиши керак, деб ўйлаймиз.

Давлатимиз раҳбари биринчи гада мамлакат миқёсидаги, вилоят, шаҳар, туман даражасидаги идоралар, вазириликлар ва давлат идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини алоҳида оғоҳлантириб: баракда топқурлар, эл-юртдан ажралманлар, уларнинг кўзига-юзига қаранглар, аҳолидан ҳабардор бўлиб, инсоф, диёнат чегарасидан чиқманглар. Акс ҳолда оқибати ёмон бўлиши муқаррар!

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бундай муҳим ишларда жамоатчилик фикрини қўзғатиши, ҳаётимизнинг турли жиҳатларини таҳлил этиши лозим бўлган вилоят оммавий ахборот воситалари, афсуски, уларға берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаптилар.

Мамлакатимизда ва вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалға ошириш ҳамда уни янада чуқурлаштириш жараёни, вилоят ҳаётини ўй берётган ижтимоий воқеалар тўғрисида теран ахборотлар берилмапти.

Чоп этилаётган мақоалалар, кўпинча кўрсатув ва эшитиришлар бадиий-сийсий жиҳатдан саёз. Одамларни қизиқтирадиган, уларнинг диққатини жалб қиладиган, муаммо кўтаралиган танқидий чиқишлар кам. Аксинча, телевидениеда кўплаб чет элда ишланган ур-сур, беҳаё видеофильмлар намойиш этилмоқда.

Самарқанд вилояти аҳолиси ҳар йили ўртача 2,2 фоизга, меҳнат ресурслари эса 3 фоизга ўсиб борапти. Бу кўрсаткич Иштиқон, Каттакўрғон, Оқдўрт туманларида 4-5 фоизға етadi. Одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун болалар боғчаси, мактаблар қуриш, яғни ишчи ўриллари очини, дўконтларда етарли мол бўлишиға эришини лозим. Тиббий ёрдам, ичимлик сув ва газ таъминотини ташкил этиш зарур. Ва масалаларни ким ўйлайди, ким хал қилади?

Уч йил давомида газ таъминоти бор-йўғи 8 фоизга, сув таъминоти эса 4 фоизга ўсганини инобатга оласак, қабул қилинган дастур бажарилишиға ким қафолат берилади? Шу сўрада кетилса, вилоятини газ билан тўлиқ таъминлашға 8 йил, сув билан таъминлашға эса 19 йил керак бўлар экан!

Кейинги уч йилда вилоятнинг Булунгур, Ургут, Каттакўрғон туманларида юқумли касалликлар билан оғриган беморлар сони кўпайган. Вилоят бўйича ҳам бу касалликлар билан хасталигини ҳоллари республика кўрсаткичидан уч марта кўпдир. Аксарият соғлиқни сақлаш муассасаларининг зарур тиббий жиҳозлар, техника, дори-дармонлар билан таъминлангани даражаси талабға жавоб бермайди.

Мажжуд ўрта мактабларнинг 66 фоизи мўсазлаштирилган, 25 таси эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган. Бугунги кунда вилоятта 107 та, бошқача айтганда 32,5 миң уринли мактаб етишмайди. Мажжуд мактабларнинг асосий қисми бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Бўлжет танқислиғига қарамаедан, солиқ органларининг масъулиятсизлиги ва локайлиги шу даражаға бориб етганки, бозорларда йилгаёйланган патта тўловларидан келадиган 97,5 миллион сўм маблагнинг аттиги 42,4 фоиз боджетта тушган, ҳолос.

Солиқ тўловлари бўйича қарзлар барча туман ва шаҳарларда кўпайиб, вилоят бўйича 2 миллиард 130 миллион сўмдан ортиб кетган. 1 октябр ҳолатиға кўра боджет муассасалари ҳоқимларига 198,2 миллион сўм иш ҳақи тўланмаган. Бу

кўрсаткич ўтган йилнинг шу давриға нисбатан тахминан 2 мартаға ортган.

Бундан ташқари 6 ёшғача бўлган болаларға, кам таъминланган оилаларға 132 миллион сўм, 2 ёшғача болаларға қарагани учун ишламайдиган оналарға 184 миллион сўм нафақа ва моддий ёрдам пули тўланмаган.

Дунёда норасида гўдалар, етим-сирилар ҳақиға хиёнат қилишдан оғир гуноҳ бўлмаса керак. Самарқанд шаҳар Боғиша-мол тумани “Тўпхона” маҳалла кўмитаси расиси З.Мўминова ва шаҳар халқ банки назоратчиси С.Нажмидинова ҳужжатларини сохтадаштириш йўли билан кам таъминланган оилаларға берилиши лозим бўлган 660 миң сўм маблагни ўзлаштирганлар.

Ҳоқимлик, ички ишлар, солиқ, божхона ходимлари қайёққа қарамоқда? Бу жинойтлар учун ким жавоб берилади? Самарқанд миң-миң йиллик шонли тарихға эға, буюк аждодларимизнинг шаён-шавкатиди билан бу юрт шуқуқи етти иқлимға маълум ва машҳурдир.

Бу кутлуг заминдан таралган илм-маърифат зийоси бутун инсоният таваққурини мунаввар этган, десак мўболоға бўлмайди. Бунинг тасдиғини куни кеча бўлиб ўтган Имом ал-Бухорийи тантаналарида ҳам кўрдик.

Шуни яна бир бор ўйлаб кўрайлик, деди Имом Каримов, бизнинг бугунги қилаётган ишларимиз, фаолиятимиз юксак маънавият мезоналарига нечоғли мос келadi? Давлатчилик, эл-улусни бошқаришда адолат, ватан, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш таъминини қонанштириш, содда қилиб айтганда, халқ турли бўғин раҳбарлари ишдан розими? Афсуски, шу каби кўплаб саволларға ижобий жавоб бериш қийин. Шундай экан, ҳар биримиз фаолиятимизни танқидий нуқта назардан таҳлил қилиб кўрайлик, хато ва камчиликларимизни аниқлаб, керакли сабоқларни чиқарайлик.

...Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими? Эсда қоладиган бирин хайрли иш қилдимиз? Одамларнинг бошини қонанштириб, ўзи ибрат бўлиб, уларни улдувор вазиарларни бажаришға сафарбар этиш оладими? Назаримизда, ҳар бир раҳбар бу ҳақда доимо ўйлаш, ўзинга-ўзи савол бериб кўриши керак.

Халқимизда “яқиндан доғ қолади, ёмондан доғ” деган гап бор. Кимдан боғ қоляпти, яҳси ном, яҳси хотира қоляпти, кимдан доғ, инсоф қоляпти, буни одамларнинг ўзи ажратиб олади.

Мениннг энг катта ишончим, дея таъкидлади Президент, ёш авлодлар. Замонавий билимға эға, одобий, илмий, қўрсанг ҳавасинг келадиган, барқамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзинимиз тақдиримиз ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Ким анна шушдай фарзандлари борлигиндан кўч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўксин тоғдай кўтарилadi.

Юқорида тилға олинган камчилик ва нуқсонлардан кўнглим гаш бўлган пайтларда келгуси авлод, ёшлар, фарзандларимиз ҳақида ўйлайман, деди пировадила дўлатимиз раҳбари. Шунда кўнглим ёрғу бўлади, келажакки ишончим мустақамланади. Биз ўз олдимизға қўйган муросадасларимизға етиш гарови — мана шуларнинг қўлида. Бугунги учрашувимизда муҳокама этилган масалалар, қабул қилинаётган қарорларға келсак, барчангиз улардан ҳолисона хулоса ва тегишли сабоқ чиқариб оласиз, деб ишонманам.

(ўзА)

ИНСОФ БОР ЕРДА — БАРАКА БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

хур Имом ал-Бухорийи масъуд қурилишдан ўғрилаб келинган гишларни ўз йиға ишлатганини? (Арвоҳдан кўркмаганини қарант).

Хуллас, гапираверсам гап кўп. Мента алам қиладиган томони шуки, юртбошимизни қўллаб-қувватлаш ўрниға у кишиға панд бериб ўтирсак-а? Бу ишни фақат имонсизларғина қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Исом Каримов қўйиб-ёниб «Мен учун моддий бойликдан маънавий бойлик миғ марта усту» — дедилар ўта сессияда.

Қаниди, ҳамма раҳбарлар бу сўзларни ўзларига дастуриламат билдилса. Ана шундангина уларнинг оёғи ердан узилиб қолмайдиган бўларди.

Наргиза РАҲМОҒОВА, Тошкент шаҳри, Марказий давлат архиви инспектори:

— Мен Президентимизнинг нутқини эшитиб гоғт руқландим. Зеро, бу каби нуқсонлар бизға ҳам йўқ эмас. Мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш учун амалға оширилётган улкан ишлар замирида унчалик қўзғатилмасам-да, аҳоли қанфиятига салбий таъсир қилаётган камчиликлар учраб турибди.

Мисол учун кам таъминланган оилалр илтари ёрдам пулларини иш жойларидан олардилар. Бу маблаглар маҳаллалар ихтиёриға берилаётганлиги нозорат қилиш қийин бўлиб қолди. Бундан маҳалларнинг баъзи учар раҳбарлари худди Самарқанддагидек устамонлик билан фойдаланаяптилар.

Ғайрат ҚУРБОНОВ, ТошДТУ 1-курс талабаси:

— Очиғи, Президентимизнинг кунча кеча халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кеңашининг навабдан ташқари сессиясидаги маърузаларини тинглаб, шу юртнинг фарзандли сифатида каттиқ таъсирландим. Ва Мариев ҳамда унинг атрофидаги лаганбардорларини миллатини, ватанини унутган манкуртларға ухшатадм. Булмасам, улар биз ёшларға шахсий намуна бўлиш ўриға аспрлар мўбайнида бутун мусулмон дунисининг энг тавбаруқ қадамжийи ҳисоблан-

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

10 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг бир гуруҳ ходимлари билан очик мулоқот бўлиб ўтди. Унда чет эл ҳамда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, радио ва телевидение мухбирлари, журналистлар иштирок этидилар.

Вазир Э. Ганиев республикаимизнинг ташқи савдо ва иқтисодий фаолиятини кеңайтириш борасида амалға оширилётган ишлар, бу соҳадати ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари ҳақида журналистларға гапириб берди. Таъкидландики, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзининг кўпли иқтисодий-потенциал кулиратини намоян этиб, жаҳон ҳамжамяитидан муносоиб ўрин эгаллади.

Ҳозирги кунда республикаимиз дунёниги 120 дан зиёд давлат билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Булар орасида АҚШ, Туркия, Жапоний Корея, Германия, Япония, Англия каби талай ривожланган мамлакатлар бор. Чет эл инвестициялари иштирокидан ташкил этилган корхоналарнинг сони 300дан ошди. Уларда эк-

порт имкониятлари ўтган тўққиз ой мўбайнида 1997 йилнинг айни давриға нисбатан 20 фоиз ошганлиги кузатилмоқда. Мамлакатимизда хоржий сармодорларнинг эркин фаолият юртишлари учун тўла ҳуқуқий қафолат мажжуд. Қисқа муздот мўбайнида республика иқтисодиётига 8 млрд. АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси киритилди. Бу, шубҳасиз, ишлаб чиқариш ҳажми ва кўлемини ошириш, экспортта мулклардан товар ҳамда маҳсулотлар турини кўпайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мулоқот сўнгида вазирлик ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларға жавоб қайтаришди.

Н. ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Table with exchange rates for Uzbekistan Republic. Columns: Country, Currency, Rate. Rows include Australia, Austria, Belgium, Bulgaria, Canada, Czechia, Denmark, Eurozone, France, Germany, Greece, Hungary, India, Italy, Japan, Korea, Latvia, Lithuania, Malaysia, Netherlands, Norway, Poland, Portugal, Singapore, Slovakia, South Korea, Spain, Sweden, Switzerland, Taiwan, Thailand, UK, USA, Vietnam.

*/ Валюта қийматини баедалиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажжуд валюталарни унбу қийматда сотиш ёқи сотиб олиш мажжуринини олман.

